

## ГАЗЕТА ЁРДАМ БЕРДИ

МЕН кредит ололмаётганим учун "Инсон ва қонун" газетасига мурожаат қилгандим. Шундан сўнг, кредит ажратилди ва ҳамкорларимиз билан ишни давом эттирдик. Акс ҳолда шартнома шартларини бажара олмай қорхонамиз касодга учраши мумкин эди.

Бунинг учун тахририятга ўз миннатдорлигимни билдираман.

Дилноза КАРИМОВА,

Юқори-Чирчиқ туманида фаолият юритаётган тадбиркор

Пиримбердиевнинг муаммоси нима эди?

4-бет



Ҳеч ким болам, деб бўзламасин!

5-бет



# ИНСОН ВА ҚОНУН

28 январь 2020 йил / № 03 (1207)

[www.hudud24.uz](http://www.hudud24.uz)

[insonvaqonun@adliya.uz](mailto:insonvaqonun@adliya.uz)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ



8-бет

●●● МУРОЖААТГА МУНОСАБАТЛАР

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ НИЯТИ:

Биз ўз ҳаётимизни яхши томонга, албатта, ўзгартирамиз



Элмира БОСИТХОНОВА,  
Ўзбекистон Республикаси  
Бош вазири ўринбосари,  
Ўзбекистон Хотин-қизлар  
қўмитаси раиси, сенатор

## ДАВЛАТ РАҲБАРИНИНГ ШИЖОАТИДАН, АЁЛ ЗОТИГА ЭҲТИРОМИДАН КУЧ ОЛДИК

Президентимиз мурожаатининг бошидаёқ грант асосида олий таълим олишда қизлар учун алоҳида қўшимча имтиёзлар яратилишини, Хотин-қизлар қўмитаси бу борада номзодлар тайёрлаш тизимини яратиши лозимлигини айтдилар. Тўғриси, олий таълим олишда йигитларимиз учун берилган имкониятларга ҳавасимиз келарди. Қизларимиз учун Зулфия мукофотидан бошқа олий таълимга имтиёз берувчи айнан восита йўқ.

2-бет

## РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ҲАКИДА НИМАЛАРНИ БИЛИШ КЕРАК?

Шаҳноза  
СОАТОВА,  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Адлия  
вазирлиги  
масъул  
ҳодими



КУНИ кеча Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенаи ва Қонунчилик палатасига қилган Мурожаатномасида "2020 йил — Илм - маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили" деб эълон қилинди. Шундан кейин фуқароларда "рақамли иқтисодиёт" атамаси ҳақида кўплаб саволлар тугила бошлади. Қуйида уларнинг энг муҳимларига аниқлик киритамиз.

### РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ НИМА?

Рақамли иқтисодиёт — бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизимидир. Баъзида у интернет иқтисодиёти, яъни иқтисодиёт ёки веб-иқтисодиёт деган терминлар билан ҳам ифодаланади.

1995 йилда америкалик дастурчи Николас Негропонт "рақамли иқтисодиёт" терминини амалиётга киритди. Ҳозирда бу истилоҳни бутун дунёдаги сиёсатчилар, иқтисодчилар, журналистлар, тадбиркорлар — деярли барча қўлламоқда. 2016 йилда Бутунжаҳон банки дунёдаги рақамли иқтисодиётнинг аҳоли ҳақида илк марта маъруза эълон қилди ("Рақамли дивидендлар").

3-бет

## Йигирма етти йиллик ОРЗУИМГА ҚАНОТ БЎЛДИ



Замира ХОЛДОРОВА,  
Тошкент шаҳри,  
Сергели тумани

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ мурожаатномасини тингладим. Тўғриси, кўзимга ёш келди. Бу қувонч ёшлари. Шунинг учун Сизлар билан бўлишим келди. Президентимиз: "1995 йилгача Ўзбекистонга келган ва шундан буён истиқомат қилаётганларга автоматик тарзда фуқаролик берилиши даркор", — деди.

Бу йил пенсияга чиқдим. Ўзбекистонга кўчиб келганимга йигирма етти йил бўлди. Ишонасизми, ҳар беш йилда фуқароликни олиш учун, Сизлар каби менинг ҳам яшил паспортим бўлиши учун мурожаат қилиб келаман. Лекин менга бу бахт насиб этмай келаётганди. Давлатимиз раҳбари томонидан фуқаролик бериш масаласи кун тартибига чиққан вақтда яна ҳужжатларимизни умид билан масъул идорага топширгандик. Ана кутаман, мана кутаман, жимжитлик. Сўрасам: "Сиз "фалон" ўринда турибсиз, мурожаатингиз кўриб чиқилаяпти", дейишади. Бунга ҳам бир ярим йилдан ошди. Бу ҳам етмагандек, шу ерда боғча, мактабга борган фарзандимга ҳам фуқаролик берилмаган. Болам бу йил 32 ёшга тўлди. Президентим сўзларини қувонч, ҳаяжон билан тингладим. Очиги, мен ҳам шу юртининг бир вақили бўлишни, мени ҳам ўз болалигим қабул қилишни орзу қилардим. Лекин бу орзулар саробдек туюларди менга. Энди бу бахт насиб бўлишига ишончим ортди.

МОНДИДАН фуқаролик бериш масаласи кун тартибига чиққан вақтда яна ҳужжатларимизни умид билан масъул идорага топширгандик. Ана кутаман, мана кутаман, жимжитлик. Сўрасам: "Сиз "фалон" ўринда турибсиз, мурожаатингиз кўриб чиқилаяпти", дейишади. Бунга ҳам бир ярим йилдан ошди. Бу ҳам етмагандек, шу ерда боғча, мактабга борган фарзандимга ҳам фуқаролик берилмаган. Болам бу йил 32 ёшга тўлди. Президентим сўзларини қувонч, ҳаяжон билан тингладим. Очиги, мен ҳам шу юртининг бир вақили бўлишни, мени ҳам ўз болалигим қабул қилишни орзу қилардим. Лекин бу орзулар саробдек туюларди менга. Энди бу бахт насиб бўлишига ишончим ортди.

## ТЎСИҚ ҚУЛАЙДИГАН БЎЛДИ

Муаззам ҚОДИРОВА,  
меҳнат фахрийси  
Навоий вилояти Кармана тумани

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ Олий Мажлисига Мурожаатномасини мириқиб эшитдим. Тошкент шаҳри "пропискаси" масаласининг кўтарилгани айни муддао бўлди. Бир неча йиллардан буён Тошкент шаҳрида доимий рўйхатга қўйиш масаласи ёпиқлигидан кўпчилик азият чекаётган эди. Жумладан, мен ҳам набираларимизнинг келажоғи, пойтахтда ўқиб, яшаб, ишлашни хоҳлаганим учун бу муаммага кўп бор дуч келганман. Ҳатто бир танишимнинг номига уй олишга ҳам мажбур бўлганман.

Хайрият, энди хавотирга ўрин йўқ. Юртбошимизнинг: "...Фуқароларимиз Ўзбекистон Республикасининг хоҳлаган жойида пропискадан ўтиб, хоҳлаган жойида ишлашининг қонуний асосини яратмасак, қуруқ гап билан ишлар амалга ошмайди. Юрагимдаги бир ниятимни айтаман, бу ерда утирганларнинг аксари ўз вақтида уй ва прописка масаласида қийналган" — деган сўзлари менга ишонч бағишлади.



# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ НИЯТИ: БИЗ ЎЗ

## “ҲАЛОЛЛИК ВАКЦИНАСИ” ҚАЕРДА?



Русланбек ДАВЛАТОВ,  
 Адлия вазир:

— ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ Мурожаатномаси сиёсий ҳафтанинг кулминацияси бўлди.

Мурожаатда Президентимиз коррупция иллатини йўқотишга эътибор қаратдилар. Таъкидлаб ўтиш жоизки, Шавкат Миромонович давлат раҳбари бўлгандан кейин биринчи қилган ишларидан бири бу — Коррупцияга қарши курашни қонунда ифодалади. Кейин эса, алоҳида комиссия тузилди. Менимча, Мурожаатда айтилган “Коррупцияга қарши вакцина” айнан мурожаатнинг ичида кўзда тутилган.

“Ҳалоллик вакцинаси” — нима? Рақамли иқтисодиёт, шаффофлик, суд тизимининг мустақиллиги, қонун устуворлиги амалда қандай таъминланиши бўйича айтилган мулоҳазаларнинг барчаси замирида, айниқса, шаффофлик тамойилида бу вакцина.

Ўзаро соғлом рақобат бор жойда ва шаффофлик бор жойда ҳеч қачон коррупцияга ўрин бўлмайди.

Институционал жиҳатдан кейинги босқичга ўтиш жараёнида коррупцияга қарши курашиш учун алоҳида орган тузиш таклиф этилди. Ҳуқуқшунос сифатида бу ҳаракатни олқишлаймиз. Чунки маълум бир орган ўзининг асосий вазифаси сифатида бу иш билан шуғулланмаса, барибир биз кутган натижага эришиш қийин.

Бироқ орган тузиш қийин эмас, лекин шу орган эртага қандай ишлаб кетади? Шунга жиддий эътибор қаратиш зарур. Чунки бизда йиллар давомида шаклланган органлар тизими бор. Уларнинг функция ва вазифалари белгиланган ҳамда улар тезкор гуруҳлар ва бошқа воситаларга эга. Шунинг учун янги орган тузишда органлардаги параллелизм, яъни такрорланишни йўқотиш, ваколатларни аниқ белгилаш зарур. Энг асосийси, унинг мустақиллигини таъминлаш керак. Зеро, ҳозирдан одамларда бу орган тузилса, уни ким назорат қилади, деган савол туғилмоқда. Шунинг учун бунинг ечими — шаффофлик ва ҳисобдорлик бўлиши даркор. Ўйлаймизки, илгари сурилган янги ғоя жамиятда чинакам ўзгаришга олиб келади.

Мурожаатномада аҳолининг барча қатламга тегишли масалалар кўтарилди.

Дастурий ҳужжатда 3 та дастур, 4 та концепция, 6 та кодекс, 15 та қонун ишлаб чиқиши кўзда тутилган. Яъни, бу ҳуқуқшунослар учун қилинадиган ишлар кўлами. Демак, олдимизда жуда катта меҳнат турибди. Биз, албатта, буни амалга оширамиз. Бунинг учун ҳаракат режаларимиз бор.

## ДАВЛАТ РАҲБАРНИНГ ШИЖОАТИДАН, АЁЛ ЗОТИГА ЭҲТИРОМИДАН КУЧ ОЛДИК

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Биламизки, олий таълим олиш имкониятларининг кенгайтирилиши аёллар орасида иш билан таъминланганлик даражасини оширишда муҳим омил. Шунингдек, биз сиёсат ва Ҳукуматда ҳам аёллар сонини оширишга қақаришдан тўхтамаслигимиз керак, чунки аёлларнинг олий маълумот олишининг ўзи етарли эмас, аёл қизгин жараёнларда фаол бўлиб намуна кўрсатса мамлакат қизларининг таълим олишга интилиши кучаяверади.

Қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишига монелик қиладиган сабаблардан бири “аёл уйда ўтирсин, хотин киши рўзгорига қарасин” қабилидаги ақидаларни парчалашга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Мурожаатномада ва бунгача бўлган нутқларида Президентимиз аёллар масаласига тарихда кам қўзғатилган эътиборни қаратдилар. Масалан, “Ижро органида, вазирлик ва идораларда гендер тенгликни таъминлаш, муҳтарам опа-сингилларимизга масъул лавозимларни ишониб топшириш бўйича кўп иш қилишимиз керак. Нега деганда, аёлларимиз ҳа-

ётий муаммоларни бошқалардан кўра чуқурроқ билиши, фидойилиги, кучли масъулият туйғуси, меҳнатсеварлиги билан барчага ўрнак бўлади” ёки “Хотин-қизларга эътибор кучаяди. Энди ёрдам манзилли кўрсатилади!”, деган фикрлари бежизга айтилгани йўқ.

Мурожаатномада айтилган яна бир йўналиш бу оғир шароитли аёлларга ёрдам кўрсатиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлашдир.

Президентимиз нутқларида, бу йил хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар янги поғонага кўтарилишини эътироф этди. 2020 йилда 5,5 минг нафар хотин-қизнинг кичик бизнес лойиҳаларига 100 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредит берилди, бунинг учун банкларга давлат бюджетидан ресурс ажратилди, бундан ташқари, 1 минг 576 нафар хотин-қизга янги уй-жойга эга бўлиши учун бюджет ҳисобидан бошланғич бадал тўлаб берилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож опа-сингилларимизни Хотин-қизлар тadbиркорлик марказларида 5 та муҳим ташаббус доирасида қисқа ўқув курсларида ўқитиш ташкил этилади.

## ИНСОНПАРВАРЛИК

МУРОЖААТНОМАНИНГ бутун руҳи инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган. Эътибор қилинг, Ўзбекистон тарихида илк марта аҳолимиз ўртасидаги камбағалликни камайтириш бўйича амалий чора-тадбирлар белгилаш ҳақида вазифалар кўйилди. Ва Президентимиз бу борада батафсил тўхталиб, қуйидаги фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди: “Камбағалликни камайтириш — бу аҳолида тadbиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир.

Шунинг учун Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотлар билан бирга Камбағалликни камайтириш дастурини ишлаб чиқишни таклиф этаман. Бу борада халқаро меъёрлар асосида чуқур ўрганишлар ўтказиб, камбағаллик тушунчаси, уни аниқлаш мезонлари ва

баҳолаш усулларини қамраб олган янги методологияни яратиш лозим.”

Мен ҳуқуқшунос сифатида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида Конституциямизнинг 7-моддасида қайд этилган “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб” фаолият юритиши тўғрисидаги конституция меъёрлари ҳаётий ифодасини топмоқда.

Президентимиз ушбу Мурожаатномасида яна бир бор қонун устуворлиги ва суд-ҳуқуқ соҳасидаги асосий вазифалар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

Хусусан, суд мустақиллигини амалда тўлиқ таъминлаш — энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиб қолиши, бунинг учун дастлабки терговда давлат этиб келаётган қонунбузилиш ҳолатларини фақат ва фақат судларнинг ҳақиқий мустақиллигига эришиш орқали бартараф этиш мумкинлигини айтиб ўтди.

## БУ ЙЎЛДА ЭНДИ ОРҚАГА ҚАЙТИЛМАЙДИ



Зоҳиджон ЗАРИФОВ,  
 “Тараққиёт стратегияси” маркази,  
 Лойиҳа координатори:

— СУДЛАРНИ чинакам маънодаги “Адолат кўргони”га айлантириш борасида Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан ҳаётга жорий этилган илохотлар мамлакатда инсон ҳуқуқлари ҳар нарсадан устун, деган тамойилнинг ҳаётдаги амалий ифодаси бўлди.

Давлат раҳбарининг Олий Маҳжлис палаталарига қилган навбатдаги Мурожаатномасида бу борадаги саъй-ҳаракатлар янада кучли мазмун-моҳият билан изчил давом эттирилиши таъкидланди. Унда эътироф этилганидек: “Ислохотларимиз самараси кўп жиҳатдан 4 та муҳим омилга, яъни қонун устуворлигини таъминлаш; коррупцияга қарши қатъий курашиш; институционал салоҳиятни юксалтириш ва кучли демократик институтларни шакллантиришга боғлиқ”.

Мурожаатда жорий йилда суд мустақиллигини тўлиқ таъминлаш — энг муҳим вазифа бўлиши зарурлиги, дастлабки терговда давом этиб келаётган қонунбузилиш ҳолатларини фақат ва фақат судларнинг ҳақиқий мустақиллигига эришиш орқали бартараф этиш мумкинлиги алоҳида таъкидланди.

Дарҳақиқат, Ҳаракатлар стратегияси ва унинг доирасида амалга ошириб келинаётган Давлат дастурлари асосида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ижросининг изчил таъминланаётгани аниқ натижаларга эришимизда муҳим омил бўлмоқда. Суд-ҳуқуқ тизимидаги бундай янгиланиш ва ўзгаришларни БМТнинг судьялар мустақиллиги бўйича махсус вакили Гэрия Саян жавоблари ҳам алоҳида эътироф этгани қувонарли ҳол, албатта.

Суд соҳасидаги энг салмоқли ва энг катта ютуқ бу шубҳасиз, ўтган уч йилнинг 1,989 нафар фуқарога, 2019 йилнинг ўзида эса, 859 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилганидир. Ваҳоланки, мустақилликка эришганимиздан буён то 2016 йилгача суд жазо белгиланган шахснинг оқлини хусусида, ҳатто тасаввур қилиб ҳам бўлмасди. Давлатимиз раҳбари ўз чиқишида яна таъкидлаганидек, ўтган йили 3,081 нафар шахс суд залидан озод қилинган бўлса, 2,623 нафар фуқарога асосиз қўйилган моддалар айбловдан чиқарилган ва ўзгартрилган.

Мурожаатномада, шунингдек, энди суд орқали инсонларнинг ҳуқуқи тикланганини эътироф этиш билан чекланиб қолмасдан, нима сабабдан судгача бўлган тергов жараёнида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган, деган саволни ҳам кўндаланг қўядиган, таййиклар учун жавоб берадиган вақт келгани алоҳида эътироф этилди.

Бундан буён эски тузумдан қолган ва ҳануз давом этаётган суд қарорларини прокуратура томонидан қақчириб олиб, ўрганиш амалиётини чеклаш, фақат иш юзасидан шикоят келиб тушган ҳолдагина прокурор суд қарорини олиб ўрганиши мумкинлиги белгиланиши халқимизнинг судларга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди. Ҳар бир инсон суд оstonасига қадам қўяр экан, Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилади.

Ўз навбатида, бундан 20-25 йиллар муқаддам қабул қилинган суд-ҳуқуқ соҳасига оид асосий қонун ва кодекслар бугунги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда янгитдан қабул қилинади. Бу борада, энг аввало, инсон ҳуқуқларига доир илғор стандартларни тергов ва суд амалиётига жорий этиш устувор аҳамият касб этади.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда суд ҳокимиятининг том маънодаги мустақиллигини таъминлаш, судларни илгариги жазоловчи органдан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ва мустаҳкам ҳимоя қиладиган, демократик ўзгаришларнинг муҳим воситаси бўлган институтга айлантириш йўлидаги кенг қамровли илохотлар тизимли равишда давом этаверади. Бу йўлда энди орқага қайтилмайди.

# ҲАЁТИМИЗНИ ЯХШИ ТОМОНГА, АЛБАТТА, ЎЗГАРТИРАМИЗ ҒОЯЛАРИ БИЛАН СУҒОРИЛГАН

Айниқса, сўнги йилларда суд амалиётига кенг жорий этилган оқлов ҳукмлари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари диққатга сазовор. Мурожаатномада қайд этилганидек, ўтган 3 йилда 1 минг 989 нафар, 2019 йилнинг ўзида 859 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди. Шунингдек, 2019 йилда 3 минг 81 нафар шахс суд залидан озод қилинган бўлса, 2 минг 623 нафар фуқарога асоссиз қўйилган моддалар айбловдан чиқарилди ва ўзгартирилди.

Бу инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг қонуний манфаатлари ҳимоя қилиш соҳасидаги умумэътироф этилган принцип ва нормаларга тўла мос келади.

Ўтган даврда суд тизимини ислоҳ қилиш доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди бирлаштирилди. Қарор қабул қилишда судьялар эркинлигини таъминлаш, шунингдек, профессионал судьялар корпусини шакллантиришда ҳолисликни таъминлаш мақсадида Судьялар олий кенгаши ташкил этилди. Ушбу тузилма ҳозирги пайтда мустақил суд ҳокимия-

тининг конституциявий тамойилга амал қилишини таъминламоқда. Судьялар ваколат муддатининг илк беш ва ўн йиллик даври ўтганидан сўн лавозимда муддатсиз бўлиш амалиёти жорий қилинди. Судьялар олий кенгаши қарорисиз судьяларни жавобгарликка тортишга йўл қўйилмайди.

Эндиликда судьяларни тайинлаш тартиби БМТ Бош Ассамблеяси томонидан тасдиқланган Суд органлари эркинлигининг асосий принципларига тўла мос келади.

Шу билан бирга, суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари янада кучайтирилди. Қийноққа солиш, руҳий, жисмоний босим ўтказиш ва бошқа зўравонлик ҳолатларига мутлақо йўл қўйилмаслиги, жиноят ишлари доирасида ноқонуний усуллар билан олинган ҳар қандай маълумотлардан, жумладан, аудио ва видео материаллардан, ашёвий далиллардан фойдаланишнинг қатъиян тақиқланиши, ҳимоя ва таржимон хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқидан фойдаланишга

тўсқинлик қилишга жазо тайинланиши қонун билан белгиланди.

Далилларни сохталаштириш, ёлгон гувоҳлик бериш ва асоссиз айблаш учун жиноий жазо жорий этилди. Ўз навбатида, далилларни йиғиш ва тақдим этишда адвокат ваколати кенгайтирилди, уларнинг кафолати таъминланди.

Буларнинг барчаси юртимизда суд жараёни очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга хизмат қилапти.

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2019 йилда жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 36 845 нафар шахсга нисбатан 28 846 та иш қўриб чиқилди. Мазкур кўрсаткичлар 2018 йилга нисбатан шахслар бўйича 24,2 фоизга, ишлар бўйича эса 24,4 фоизга камайганини кўрсатади. Шунингдек, ўтган йилда 859 нафар шахс оқланди ва реабилитация қилинди. Ҳисобот даврида ярашув институтининг самарали қўлланилиши натижасида 7329 нафар шахс жиноий жавобгарликдан озод этилди.

Хулоса қилиб айтганда, бу йилги Мурожаатнома янги Ўзбекистонни, юрти-



**Убайдулла МИНГБОВЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Судьялар олий кенгаши раиси,  
Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган юрист

мизни ҳар томонлама ривожлантириш, барча соҳа ва тармоқларга стратегик аҳамиятга эга бўлган истиқболли лойиҳаларни татбиқ этиш, бир сўз билан айтганда, ватандошларимиз турмуш даражасини янада яхшилашда муҳим дастуриламал ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли ҳам уни бутун юрдошларимиз, қолаверса, дунё ҳам-жамияти юксак баҳоламоқда.

Масалан, харидорга пойфазал керак. Уни бозорга тушиб ўзи бевосита танласа ва нақд пулга сотиб олса, бу анъанавий иқтисод. Телеграмдаги бирон савдо боти орқали ўзига маъқул товарни танлаб, товар эгасига пулни электрон тўлов тизими орқали тўлаш ва товарни etkazиб бериш хизмати орқали олиш — рақамли иқтисодиёт дейилади. Бу масалани энг содда маиший мисол орқали тушунтиришди. Аслида, ҳаммамиз аллақачон рақамли иқтисодиёт ичидамиз, унинг қулайликларидан фойдаланамиз. Масалан, ойликларимиз пластик карталарга тушади, электрон тўлов орқали коммунал хизматлар, телефон, интернет ва бошқа маҳсулот ва хизматларга тўлов қиламиз, электрон тарзда солиқ декларацияси топширамыз, картадан картага пул узатамыз, уйга таом буюртма қиламиз ва ҳоказо.

## РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ОДДИЙ ИҚТИСОДИЁТДАН ФАРҚИ НИМАДА?

Давоми. Бошланиши 1-бетда



**РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ** — бу нолдан бошлаб яратилиши лозим бўлган қандайдир бошқача иқтисодиёт эмас. Бу янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари яратиш ва уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгилаш тизимга кўчириш, деганидир.

### БЕЛГИЛАРИ:

- юқори даражада автоматлаштирилганлик;
- электрон ҳужжат алмашинуви;
- бухгалтерлик ва бошқарув тизимларининг электрон интеграциялашуви;
- маълумотлар электрон базалари;
- CRM (мижозлар билан ўзаро муносабат тизими) мавжудлиги;
- корпоратив тармоқлар.

### ҚУЛАЙЛИКЛАРИ:

1. Тўловлар учун харажатлар камайд (масалан, банка бориш учун йўлга ва бошқа ресурслар тежаллади).
2. Товарлар ва хизматлар

тадики, маълумотлар тўплаш жараёнида иқтисодиётнинг турли секторларига экспансия учун ўта рақобатли устунликлар яратилади. “Алибаба” бу — оддийгина рақамли платформа эмас, балки платформалар экотизимидир.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бизга нима беради?

Рақамли иқтисодиёт инсонларнинг турмуш даражасини сезиларли даражада оширади, бу унинг асосий фойдасидир.

Рақамли иқтисодиёт коррупция ва “қора иқтисодиёт”нинг асосий кушандасидир. Чунки рақамлар ҳамма нарсани муҳрайди, хотирада сақлайди, керак пайтда маълумотларни тез тақдим этади. Бундай шароитда бирон маълумотни яшириш, яширин битимлар тузиш, у ёки бу фаолият ҳақида тўлиқ ахборот бермаслигининг иложи йўқ, компьютер ҳаммасини намоён қилиб қўяди. Маълумотлар кўплиги ва тизимлиги ёлгон ва кингир ишларга йўл бермайди, чунки тизимни алдаш имконсиз. Натижада

“ифлос пуллари” ювиш, маблағларни ўғирлаш, самарасиз ва мақсадсиз сарфлаш, ошириб ёки яшириб кўрсатиш имкони қолмайди. Бу эса иқтисодиётга легал маблағлар оқимини оширади, солиқлар ўз вақтида ва тўғри тўланади, бюджет тақсимоти очиқ бўлади, ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағлар ўғирланмайди, мактаблар, касалхоналар, йўлларга ажратилган пуллар тўлиқ этиб боради ва ҳоказо.

Давлатнинг рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлини танлаганлиги ахборот технологиялари соҳасида ва умуман, электрон ҳужжатлар айланмаси соҳасида янги йўналишлар очиб беради. “Рақамли технологиялар” томон бурилишга бутун жаҳон интернет тармоғи ва сифатли алоқанинг ривожланиши сабабчи бўлди.

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт қай даражада ривожланган?

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда фойдаланувчилар озик-овқат маҳсулотларига буюртма бериш учун телеграм ботларидан фаол фойдаланмоқдалар. Шунингдек, турли интернет дўконлар, электрон тўлов тизимлари ҳам фаол ривожланиб бормоқда. Демак, фуқароларимиз электрон битимларни амалга оширишга ишонаптилар. Фақат ҳозирги кунгача фойдаланувчилар катта харажатлар талаб қилмайдиган

кичик битимларни амалга оширишмоқдалар, ўртача харид ҳажмини оширишга эса унчалик тайёр эмаслар. Эндиги масала ўртача ва йирик иқтисодий битимлар ва молиявий операцияларни рақамли технологиялар орқали амалга оширишни ривожлантиришдан иборат.

### Шунингдек...

Рақамли иқтисодиётнинг ўз валютаси (криптовалюта, биткоин), пул сақлайдиган кармони (блокчейн), ҳисоблаш усуллари (майнинг) каби терминлари мавжуд. Улар ҳақида янада батафсил маълумот олиш тавсия қилинади.

Рақамли иқтисодиётни ким ривожлантиради?

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш соҳасида ваколатли орган ҳисобланади. Бундан ташқари Иқтисодиёт, Молия, Ахборот технологиялари, Адлия вазирликлари ва бошқа қатор давлат тузилмалари рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун ўзига хос масъулият ва вазифаларга эга. Бу ҳақида кеча Президент Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига қилган Мурожаатномасида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди.



**Рақамли иқтисодиёт инсонларнинг турмуш даражасини сезиларли даражада оширади, бу унинг асосий фойдасидир.**

## 199 та мактабда ТИББИЁТ ХОДИМИ УЧУН ШАРОИТ ЙЎҚ. Нера?



ЮРТИМИЗДА демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнида ўтказилаётган ислохотларнинг очиқ ва ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли беқийсдир. Давлатимиз раҳбари мамлакатдаги энг долзарб муаммоларни, ечимини кутаётган масалалар тўғрисида хабарларни оммавий ахборот воситаларидан олаётганлигини эътироф этмоқда. Шу маънода ОАВ давлат ва жамият ўртасида энг самарали демократик институт сифатида ўз ўрнини топаётганлигини тўлиқ эътироф этиш мумкин.

Шундан келиб чиқиб, адлия органлари фаолияти ҳақида кенг жамоатчиликка муҳим ахборотлар бериш, уларнинг ҳуқуқий маълумотларга бўлган эҳтиёжини таъминлашга қаратилган "Очиқ адлия" ("Open Justice") ижтимоий дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унда тизим томонидан бажарилган ишлар юзасидан ОАВ вакиллари ҳисобот бериш амалиёти йўлга қўйилган.

Андижон вилоят адлия бошқармаси ҳамда адлия бўлимлари 2019 йил давомида 5 540 та муурожаат келиб тушди.

Мазкур муурожаатларнинг 72 фоизи қаноатлантирилиб, 54 фоизи жойига чиққан ҳолда қўриб чиқилди.

Қўлланилган таъсир чоралари натижасида 2,5 миллиард сўмдан ортиқ пул маблағи қайтарилди, 138 нафар шахсга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилди ҳамда 33 та ҳужжат бекор қилинди.

Жумладан, вилоятдаги умумтаълим мактабларида танлов асосида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 140-сон қарори билан тасдиқланган "Умумий ўрта таълим тўғрисида"ги Низомга мувофиқ ўқувчилар соғлигини муҳофаза қилиш аҳоли мониторинг тарихида ўрганилди.

Ўрганишда вилоятдаги жами 199 та умумий ўрта таълим мактаби ҳамда ихтисослаштирилган мактаб интернатларида умумтаълим муассасаси раҳбарияти томонидан тиббиёт ходимларининг фаолият олиб бориши учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилмаганлиги аниқланди.

Шунга қўра, вилоят Халқ таълими бошқармасига аниқланган ҳолатларни бартараф этиш юзасидан тақдимнома ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига кўрсатма хати киритилди.

Натижада, тиббиёт ходимларининг фаолият олиб бориши ва ўқувчилар соғлигини муҳофаза қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратилмаган 199 та умумий ўрта таълим мактабларидан 108 та (54,2 фоиз) сида камчиликлар бартараф этилишига эришилди.

Оттабек БОЗОРОВ,  
Андижон вилоят адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари

## 2019 йилда Наманганда 940 МИНГТА ДАВЛАТ ХИЗМАТИ КЎРСАТИЛГАН



ЎТГАН йилда Давлат хизматлари Агентлиги Наманган вилоят бошқармаси, туман (шаҳар) давлат хизматлари марказларида жисмоний ва юридик шахсларга 940 мингдан ортиқ давлат хизмати кўрсатилди. Шундан, 23 мингга яқин тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтказилди.

Мазкур рақамлар 2018 йилга нисбатан (2018 йил аҳолига 427 220 та хизмат кўрсатилган) икки баробарга ошган. Албатта, рақамларнинг ортши биринчи галда хизмат турларининг кўпайишига боғлиқ бўлса, бошқа жиҳатдан янги давлат хизматлари марказларининг қуриб фойдаланишига топширилганида бўлди. Шунингдек, марказ ходимларининг уйма-уй юриб олиб борган тарғибот тадбирлари, фуқароларга сайёр давлат хизматлари кўрсатилиб яхши натижаларга эришилди.

2019 йилда 1000 дан зиёд мобил давлат хизматлари кўрсатилди. Бошқарма томонидан "Очиқ эшикларни кўриб" доирасида 15 га яқин сайёр қабул ва очик мулоқотлар ўтказилди. Бунинг натижасида 400 нафардан ортиқ фуқароларнинг давлат хизматлари билан боғлиқ муаммолари ўз ечимини топди. Бундан ташқари, туман (шаҳар) давлат хизматлари марказларида "Сиз тадбиркорга нима қилдингиз?" шiori остида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган, шу касбга меҳр қўйган вилоят аҳли билан учрашувлар ўтказилди. Юртимизда тадбиркорликка қаратилган эътибор сабаб хорижий сармоядорлар иштирокидаги корхоналар сони кескин ошишига эришилди.

Наманган шаҳар Давлат хизматлари маркази томонидан эксперимент тарихида 30 га яқин хизматлар кўрсатилди. Эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини янгисига алмаштириш, биометрик паспорт бериш ва яна бир қанча хизматлар фуқароларни мамнун этди. Аҳолига тез ва сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида 2019 йилда 6 та бино қуриб фойдаланишга топширилди.

Хусниддин АҲМЕДОВ,  
Давлат хизматлари Агентлиги Наманган  
вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари

## Солиқ қарздорлиги АСОССИЗ БЎЛИБ ЧИҚДИ



ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Конституциясининг 51-моддасида "фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар", деб қайд этилган.

Бироқ фуқароларга нотўғри ҳисоб-китоб қилинган солиқ йиғимларини эмас.

Термиз туман "Тинчлик" маҳалласида яшовчи фуқаро Хадича Назарова ўз муаммоси юзасидан Термиз туман адлия бўлимига муурожаат этди. У 2017 йил 5 октябрда Термиз туманидаги "Тинчлик" МФЙда жойлашган уй-жойининг бир қисмини фуқаро Манзура Қулатовага сотган ва бу ҳақда Термиз туман давлат нотариал идораси орқали олди-сотди шартномаси тузилган бўлса-да, Термиз туман Солиқ инспекцияси томонидан сотилган уй-жойлари учун бир йилда олинган даромад сифатида ноқонуний равишда 3 миллион 011 минг сўм миқдоридagi солиқ қарздорлиги ҳисобланган. Суд орқали ушбу пулларни ундириш ҳақидаги ҳал қилув қарори қабул қилинган ва бунинг натижасида туман Мажбурий ижро бюроси томонидан берилган хатга асосан унинг пенсиясидан ноқонуний равишда ушлаб қолинган.

Термиз туман адлия бўлимининг аралашуви билан туман солиқ инспекцияси томонидан Фуқаро Назарова Хадича Нурмухамедовнага 3 миллион 011 минг сўм миқдоридagi нотўғри солиқ ҳисобланганлиги аниқланиб, ушбу қарздорлик бартараф этилди ва фуқаро Х.Назарованин хуқуқлари тўлиқ тикланди.

Баҳодир АШУРОВ,  
Термиз туман адлия бўлими бошлиғи

## "СИЗ ТАДБИРКОР УЧУН НИМА ҚИЛДИНГИЗ?" АКЦИЯСИ:

# ПИРИМБЕРДИЕВНИНГ МУАММОСИ НИМА ЭДИ?

ДАВЛАТ хизматлари Агентлиги Фарғона вилоят бошқармаси томонидан "Сиз тадбиркор учун нима қилдингиз?" акцияси давомида аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш борасида тарғибот тадбирлари ташкил этилди. Ҳафтанинг шанба кунда давлат хизматлари марказлари ходимлари бозорлар, расталар, ишлаб чиқариш корхоналари, хусусий мулк объектларида, маҳалла фуқаролари йиғинларида оддий фуқаролар билан учрашиб, тадбиркорлик фаолиятини

йўлга қўйиш, оилавий бизнесни ташкил этишга кўмаклашишда ташвиқот ишларини олиб бордилар. Натижада 11 ой давомида туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари томонидан жами 7 минг 261 та юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилди. 1 минг 641 нафар тадбиркорга сайёр тартибда давлат хизматлари кўрсатилди. 782 нафар тадбиркорлик субъектидаги муаммолар вақтида бартараф этилиб, қайта рўйхатдан ўтказилди.

"Besh Ko'cha" оилавий корхонаси раҳбари Алишер Пиримбердиев бир йилдан буён фаолиятини ривожлантириш учун банкдан 600 миллион сўм кредит маблағини ололмади келаётганди. Давлат хизматлари Агентлиги вилоят бошқармасининг юридик хужжатларни тайёрлашдаги консультатив маслаҳати ва банк билан музокаралари натижасида масала бир ҳафта муддатда ижобий ечим топди.

Фарғона туман Давлат хизматлари марказида кунни кеча янги

қўшма корхонага белгиланган тартибда гувоҳнома ва тегишли хужжатларни тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди. Оқбилло маҳалласи, Янги боғ кўчасидаги эски гишт заводига қайта ҳаёт берилди. Корхонага эндиликда бетон, қурилиш гипси ва цементдан бошқа буюмлар ишлаб чиқариш учун 16 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилган бўлди.

— Фарғона вилоятида бир неча ойлardan буён қўшма корхона очилиш ҳаракатида эдик, — дейди "Qingdao Global International Trade" Co.LTD раҳбари Ян Жин Зен — Давлат хизматлари кўрсатишда яратилган шаффоф тизим бизнинг ишларимизга қанот бағишлади. Хужжатларни расмийлаштиришда ҳаммаси оддий ва осон кечди. Эндиликда бу шаффоф тизим биз каби инвесторларнинг оқимини кўпайтиришга хизмат қилишига ишонаман. Бизнинг янги корхонамиз муваффақиятли ва барқарор фаолиятини йўлга қўйиб олгандан сўнг, яна бир йирик лойиҳа — қурилишда

ишлатиладиган безак маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниятидамиз.

"Сиз тадбиркор учун нима қилдингиз?" акцияси давомида аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш борасида 30 дан ортиқ учрашувлар ва сайёр хизматлар ташкил этилди. Тадбирлар давомида тадбиркорлик субъектларининг ташаббуслари ва соҳада мавжуд тизимли муаммоларни бартараф этиш, бизнес фаолиятида қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича 10 дан ортиқ таклифлари очикланди.

Маълумот ўрнида айтиш мумкин, айти кунда Фарғона вилоятида 26 мингга яқин бизнес ва ишбилармонлик доираси вакиллари фаолият олиб бормоқда. Шундан 18 минг 706 таси юридик шахс бўлмаган тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келади.

Давлат хизматлари Агентлиги  
Фарғона вилоят бошқармаси  
матбуот хизмати



# ҲЕЧ КИМ БОЛАМ, ДЕБ БЎЗЛАМАСИН!

## “Инсон ва қонун” мухбири Томскда ҳалок бўлганлар хонадонида бўлди

**ИНСОНГА энг узоқ нарса орзу-умид, энг яқини эса ўлим, дейишади. Узоқ орзу-ҳаваслар Ватандан олисларга етаклаган мана бу навқирон йигитларнинг ўлимга шу қадар яқинлиги ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмаган.**

21 январь куни бутун мамлакатимиз бўйлаб тарқалган мудҳиш хабар ҳаммани, айниқса, қизилтепаликларни ларзага солди. 26 январь куни ўзга юртда фожиаги ҳалок бўлган 9 нафар йигитнинг жасади Ўзбекистонга олиб келинди. Қизилтепа туманининг 9 та хонадонида дафн маросими ўтказилди. Жудолик алаmidан оталарнинг қадди букилди, оналарнинг бўғида “Болаам... болагинам” деган садолар қотиб қолди.

Россия Федерацияси Томск вилояти, Асино тумани, Причумлский аҳоли яшаш пунктидаги бир қаватли ёғочдан қурилган уйда ёнғин чиқиши оқибатида шу ерда яшаган 12 нафар Ўзбекистон фуқаросидан ўн нафари вафот этган. Уларнинг 9 нафари қизилтепалик. Энг ачинарлиси, ҳалок бўлганларнинг кўпчилиги айни навқирон 20-25 ёшда бу ҳаёт билан видолашди. Улар орасида эндигина йигирма ёшга тўлган йигитларнинг борлиги эса яна ҳам аламли. Ҳалок бўлган ҳамюртларимиз-

нинг беш нафари — Шаҳзод Муртазов, Тему́р Элмуродов, Ҳошимжон Эргашев, Бунёд Ҳасанов, Муҳаммадали Зокировлар тумандаги — “Милтиқчи” маҳалласидан. Хуршид Мўминов, Рамзиддин Ғайбуллоев, Меҳриддин Норов, Келдиёр Боймуродовлар эса “Гумбаз”, “Маданият”, “Оқсоч” маҳаллаларида истиқомат қилган. “Маданият” маҳалласидаги мана бу хонадоннинг бирдан икки чироғи ўчди. Ота-бола Меҳриддин Норов ва Рамзиддин Ғайбуллоевлардан жудо бўлган саксон ёшли онахон Гулсара Зарипованинг дарду ғамларини қоғозга туширишга кучимиз етмади.

Ушбу фожиа муносабати билан мамлакатимиз раҳбари топшириги асосида Республика ҳукумат комиссияси тузилиб, фожиа билан боғлиқ ҳолатларни ўрганиш, ҳалок бўлганларни Ватанимизга олиб келиш ва уларнинг оилаларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш чоралари белгиланди.

Қизилтепа туман ҳокимлиги ва туман фаоллари вафот этганларнинг хонадонларида бўлиб, уларнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиришди. Шунингдек, уларнинг оила аъзоларига моддий ёрдамдан ташқари, малакали шифокорлар томонидан тиббий ва руҳий ёрдам кўрсатиш ташкил этилди. Маҳалла аҳли оғир жудолик кунларида бир-бирига тиргак бўлаётгани, оқибат кўрсатиб, уларга тасалли бераётгани, албатта, қадрият.

— **Тему́ржон тирик бўлганида апрелда 24 ёшга тўларди, — дея нола қилади онаизори Маелуда Норова. — Болагинамнинг тилидан онажоним, меҳрибоним, деган сўзлар тушмасди. Усиз энди қандай яшайман? Бағрим ўйилиб кетаяпти.**

Кўнгил сўраб таҳририятдан келганимизни билган она юраги ёниб, адо бўлиб турган бўлса-да, Президентимизга болагинасининг танаси бегона юртларда қолиб кетмаслигини таъминлагани, ҳалок бўлганларнинг жасадини юртимизга келтиришга кўрсатган ёрдами учун ўз миннатдорлигини билдирди: “Юртбошимизга, бизга шундай оғир жудолик кунларида меҳрибонлик қилган ва тасалли берган яхши инсонларнинг барчасига раҳматимизни етказинг. Бўлмаса бегона юртларда бошимизни қайси тошларга урардик, билмадим...”

— **Маҳалламиздан кетган 5 нафар йигитларнинг барчаси айни кучга тўлган, навқирон йигитлар эди, — дейди “Милтиқчи” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ахтамжон Эшонқулов. — Бу кутилмаган фожиа эшитиб, маҳалладошларимиз даҳшатга тушди. 540 та хонадон қувонч ва ташвишларига кўмилиб яшаётганди. Бу мудҳиш воқеа бугунги кунда четга чиқиб кетган айрим фуқароларимизнинг тақдирига янада эътиборлироқ бўлишимиз кераклигини эслатади.**

— **Бу фожиада ҳалок бўлганларнинг оилаларига бугун жуда оғирлигини биламиз, — дейди Навоий вилоят Маҳаллалар Кенгаши бошқаруви раиси Нормурод**

**Исоқов. — Уларнинг аҳволидан хабар олиш, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш бизнинг биринчи вазифамиз. — Бу масалада Ҳукумат доирасида фармойиш қабул қилиниб, ушбу оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, болаларга ғамхўрлик қилиш кўзда тутилган бўлса-да, биз ҳам республика бошқаруви ёрдамида ҳар бир оилага алоҳида маблағ ажратиб чораларини кўраяпмиз. Бундай кунлар ҳеч кимнинг бошига тушмасин.**

— Туман ҳокимлигида тузилган ишчи гуруҳи томонидан ёнғинда ҳалок бўлганларнинг оилаларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар белгиланиб, ҳар бир оилага моддий ёрдам кўрсатилди. Дафн маросимлари харажатлари кўтарилиб, “Тошмазор”, “Хўжа Бўстон”, “Хўжа Ажванди”, “Оқсоч” қабристонларида дафн маросимлари ўтказилди. Ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларга икки миллион сўмдан ажратилиб, уларнинг хонадонларига борадиган йўллар таъмирланди.

Бири отасига машина олиб бермоқчи бўлиб, бири уйланиш, тўй қилиш учун, уй-жойларини чиройли қилиш илнжида сафарга отланган йигитларнинг сафарлари бу гал бехатар бўлмади. Навқирон йигитлар Томск вилоятидаги Асино районида ўрмонда чет эллик иш берувчи қўлида дарахт кеши билан шугулланган дейишди.

Бир қаватли уйдаги ёнғин нима сабабдан содир бўлди, тоғни урса талқон қиладиган забардаст йигитлар нега ўзини тилсиз ёвдан ҳимоя қилолмади, нима учун эшик-деразаларни синдириб ташқарига отилмади, нега, нега, деган саволларга, Ҳукумат комиссиясининг ҳулосаси берилмагунча жавоб топишга, турли тахминлар, турли шубҳаларга эрк беришга ҳақимиз йўқ. Миграция масаласидаги бўшлиқлар, камчиликлар, эътиборсизликларнинг бундай мудҳиш оқибати мутасаддиларни жиддий ўйлантиради, деган умиддамиз. Ҳар қандай ёнғин жиноят изини йўқотиш учун қилинган бўлиши мумкин, деган фикр эса хато бўлиб чиқишини жуда истардик...

**Маруса ҲОСИЛОВА, “Инсон ва қонун” мухбири**

### САВОЛ-ЖАВОБ

#### БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН ШАХСНИНГ МОЛ-МУЛКИНИ КИМ БОШҚАРАДИ?



— **УКАМ чет давлатлардан бирига ишлаш учун кетиб, бир йилдан буён дараги йўқ. Унинг номидаги уйнинг солиқ ва бошқа тўловларини ҳозирча биз тўлаяпмиз. Илтимос, бедарак йўқолган шахснинг мол-мулкни бошқариш ҳақида маълумот берсангиз.**

**Омина РАСУЛОВА, Тошкент вилояти**



— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига кўра, агар фуқаронинг қаердалиги ҳақида унинг яшаш жойида бир йил давомида маълумотлар бўлмаса, манфаатдор шахсларнинг аризасига мувофиқ суд бу фуқарони бедарак йўқолган, деб топиши мумкин.

Бедарак йўқолган, деб топилган фуқаронинг мол-мулкни доимий суратда бошқариб туриш зарур бўлса, бу мол-мулк суднинг қарорига мувофиқ васийлик ва ҳомийлик органи томонидан белгиланадиган ва ушбу орган билан тузиладиган ишончли бошқарув тўғрисидаги шартнома асосида иш олиб борадиган шахсга топширилади.

Ушбу мол-мулкдан бедарак йўқолган шахс қонунга мувофиқ боқиши керак бўлган фуқароларга таъминот берилади ва унинг солиқлар ва бошқа мажбуриятлар бўйича қарзлари тўланади.

Васийлик ва ҳомийлик органи йўқолган фуқаронинг қаердалиги тўғрисида маълумот олинган кундан бошлаб бир йил ўтгунга қадар ҳам унинг мол-мулкни муҳофаза қилувчи шахсни белгилаши мумкин.

Мазкур қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда Сизга яшаш жойингиздаги фуқаролик ишлари бўйича судга muroжат қилишни маслаҳат берамиз.

**Саволга Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси Мухаббат РАБИЕВА жавоб берди.**

#### КИМЛАР УМРБОД ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИНМАЙДИ?



— **АЙРИМ жазоларни қўллаш бўйича аёлларга чекловлар мавжудми?**

**Феруза ЗОКИРОВА, Зарафшон шаҳри**



— Ҳа, фуқаролик, меҳнат қонунчилиги билан бирга жиноят қонунчилигида ҳам аёлларга айрим жазоларни қўллаш бўйича чекловлар мавжуд.

Хусусан, жиноий жазо тариқасида мажбурий жамоат ишлари ёки ахлоқ тузатиш ишлари ҳомиладор аёлларга, уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга нисбатан қўлланмайди.

Бундан ташқари, ҳомиладор аёлларга ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёллар эҳтиётсизлик оқибатида ёки қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этса уларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо тайинланмайди.

Аёлга нисбатан узоқ муддатда (20 йилдан ортиқ 25 йилдан кўп бўлмаган) ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин эмас.

Шунингдек, ҳомиладор аёлнинг жиноят содир этиши жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этилади.

**Саволга Республика Инсон ҳуқуқи маданияти маркази директори Ихтиёр УМАРОВ жавоб берди.**

ДУНЁ амалиёти шуни исботлаб бермоқдаки, ҳар бир давлатнинг босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, жаҳон бозорида ўз ўрни ва мақомига эғалиги, глобаллашув шароитида янгича ёндашувларни олға суриш ҳамда ҳар бир соҳани ўз ичига олган тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўйбга чиқариш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

## БОЖХОНАЧИЛАР “ЙЎЛ ХАРИТАСИ” НИМА ДЕЙДИ?

Шунингдек, ҳар бир соҳани етук мутахассислар билан таъминлаш, уларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш, салоҳиятли кадрлар томонидан олиб борилаётган илмий ва назарий янгиликларни рўйбга чиқариш учун давлат томонидан шароитларнинг яратилиши ҳамда ҳар томонлама етук мутахассисларга бўлган эътиҳнинг самарали ва ҳаққоний тўлдирлиши муҳим омил саналади.

Бу борада божхона органлари кадрларини касбий тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида, Президентимизнинг 2018 йил 12 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тўдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг Олий ҳарбий божхона институти Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг Божхона институти этиб қайта ташкил этилди. Шу билан бирга, Президентимизнинг 2018 йил 21 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси божхона органлари кадрларини тайёрлаш тизимини тўдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

Қарор билан 2018-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси божхона органлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва ривожлантириш бўйича 20 та банддан иборат “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Қарорда кўрсатилганидек, Институт божхона органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ихтисослаштирилган олий таълим ҳамда илмий-методик муассаса бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг ташкилий тузилмасига киради.

Шунингдек, институтни янада ривожлантиришнинг асосий вазифалари ва йўналишлари белгиланган бўлиб, шулардан бири, замонавий талаблар ва стандартларга жавоб берадиган ўқув адабиётлари, ўқув-услубий материалларни ишлаб чиқиш ва чоп этиш, ўқув, илмий ва бошқа адабиётлар фондиди, ўқитишнинг техник воситалари ҳамда глобал ахборот-хуқуқий ва таълим ресурсларини мунтазам янгилаб бориш ва улардан курсантлар, ўқитувчиларнинг фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришдир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасига юкланган вазифаларни бажариш доирасида давлат органларининг, илгор лойиҳа институтлари, илмий ва таълим муассасалари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва хорижий компанияларнинг малакали мутахассисларини маслаҳатчилар сифатида жалб этиш ҳуқуқи берилди. Шунга кўра, Россия божхона Академияси, Озарбайжон Республикаси божхона Академияси, Рига техник университети, Беларусь Республикаси божхона органлари кадрларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш давлат институтлари билан ҳамкорлик дастурлари ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, Божхона институти ўқув жараёнларини янада такомиллаштириш учун куйидаги хулосаларга келинди:

Биринчидан, курсантлар ва тингловчилар эҳтиёжларидан келиб чиқиб, соҳага мос замонавий ахборот ресурсларини, мультимедиа маҳсулотларини яратиш ва ўқув машғулотли давомида замонавий технологиялар асосида тўлиқ фойдаланиш.

Иккинчидан, божхона институти илмий-педагогик ходимлари “Ўқитишнинг замонавий инновацион шакл ва усуллари асосида ўқув жараёнини ташкил этиш” мавзусида халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда илмий-амалий конференция ва семинарлар ўтказиш.

Учинчидан, божхона институти ўқув фаолиятини янада самарали олиб борилишини таъминлаш мақсадида, ҳамкор Олий ўқув юрти илмий вакиллари ва божхона соҳасида юксак амалий тажрибасига эга бўлган кадрларни бевосита узлуксиз ўқув жараёнларига жалб қилиш.


Тўртинчидан, божхона институтининг ўқув, илмий соҳаларида кафедраларо ҳамда кафедраларнинг фан предмети доирасида янги авлод дарсликларини электрон ва босма нашрларини яратиш.

Бешинчидан, мактабларда ўтиладиган фанлар доирасига божхона ҳуқуқининг бошланғич элементларини ўз ичига олган мавзуларни киритиш ва дарс соатларини яратиш.

Олтинчидан, Божхона институтининг ОАК рўйхатидан ўтган журналини чоп этиш ва таҳририят аъзоларини шакллантириш лозимдир.

Хулоса ўрнида айтганда, божхона соҳасида олиб борилаётган ислохотлар самараси натижасида, божхона тизими ходимларини ўз касбий соҳаси бўйича ҳар томонлама етук ривожланиши учун яратилган қўлай шарт-шароитлар ва имкониятлардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Хосиятхон АБДУРАҲМОНОВА,  
Божхона институти умумхуқуқий фанлар кафедраси  
профессори



## ЮҚОРИ ИЛМИЙ САЛОҲИЯТГА ЭГА МАРКАЗ

ХАЛҚИМИЗДА хайрли аъяна, яъни — ҳар йил якунида ўтган даврдаги фаолият сарҳисоб қилиниб, кириб келган янги йил учун режалар тузиш одати шаклланган. Шунга мувофиқ Юристар малакасини ошириш маркази жамоаси ҳам эришилган ютуқлар ва келгуси ишлар хусусида мулоҳаза юритишни лозим топди.

Бугунги кунда Марказ юқори савиядаги илмий салоҳиятга эга. Унда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчиларнинг барчаси илмий даража ва унвонга эга, жумладан, **11 нафари** фан доктори, шундан **9 нафари** — профессор, **7 нафари** — фан номзоди ва доцентлар.

Марказда мазкур ўқув йили аввалидан мамлакатимизда илк бор профессионал медиаторларни тайёрлаш курслари мустақил йўналиш сифатида фаолият бошлади. Бир ойлик ўқув курси якунида Ўзбекистоннинг дастлабки 16 нафар медиаторлари малака сертификатларини олишди.

Марказ фаолиятининг асосий салмоғи, кўлами ҳамда муҳим кўрсаткичи куйидаги рақамларда жонли ифодаланади. Хусусан, сўнгги тўрт ойда Марказда 1653 нафар тингловчи ўқитилди, жумладан, 853 нафар адлия тизими ходимлари малака оширган бўлса, уларнинг 94 нафари ҳудудий адлия органлари ходимлари, 298 нафари туман (шаҳар) адлия бўлимлари бошлиқлари ва ходимларидир.

Республикамизнинг бугунги инновацион ривожланиш босқичида юристар малакасини оширишга қўйилаётган юксак талаблардан келиб чиқиб, Марказ профессор-ўқитувчилари жамоаси илгор интерфаол педагогик усуллар ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш ҳамда таълим сифатини оширишга қаратилган вазифалар

масъулиятини теран ангаган ҳолда зарур дарслик ва ўқув қўлланмаларининг янги авлодини яратиш устида иш олиб бормоқдалар.

Марказнинг илмий жамоаси Тошкент Давлат юридик университети, Бош Прокуратура Академияси, Марказий сайлов комиссияси Малака ошириш маркази олимлари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигида рўйхатдан ўтган Давлат илмий-техника дастурлари доирасида ҳам амалий тадқиқот лойиҳалари устида изланишлар олиб боришмоқда.

Ҳуқуқшунос амалиётчи ходимлар малакасини оширишнинг янги замонавий усуллари жорий этиш борасида ҳам муайян ютуқларга эришилмоқда. Масалан, Адлия вазирининг ташаббуси ва ЮМОМ раҳбариятининг саъй-ҳаракатлари тўғрисида соҳа ходимларини масофадан туриб ўқитиш тизими жорий қилинди.

Ўтган декабрь ойидан бошлаб нотариус ходимлар учун масофавий таълим (интернет тармоғи) воситасида малака ошириш дас-

тури йўлга қўйилди. Ушбу Дастур бешта модул доирасида 72 соатлик 36 та мавзуну қамраб олади. Ҳар бир мавзу бўйича бериладиган ахборот матни, видео маъруза, тақдимот слайдлари, видеороликлар, кейс ва тест топшириқлари, назорат саволлари, глоссарий, адабиётлар ҳамда ижтимоий тармоқлардаги электрон манбалар мажмуи яратилди.

Халқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш масалалари ҳам Марказ раҳбарияти диққат-эътиборидан четда қолаётгани йўқ. Германиянинг GIZ (Халқаро ҳамкорлик бўйича жамияти) ваколатхонаси ва Конрад Аденауэр жағмармаси, АҚШнинг USAID дастури, БМТнинг Тараққиёт Дастури, ОБСЕ (ЕХҲТ)нинг Ўзбекистондаги координатори ва бошқа халқаро тузилмалар Марказнинг доимий ҳамкорларидир. Улар билан биргаликда Марказда “Жамиятда ижтимоий ҳуқуқий онгни оширишда юристнинг роли”, “Ўзбекистонда Минтақавий мулоқот” халқаро ташкилоти кўмагида “Таълимнинг интерактив усуллари”, БМТ ТД шафелигида “Қонун устуворлиги доирасида шериклик” лойиҳаси асосида Медиация бўйича қишки мактаб ва бошқа конференциялар, семинар-тренинглар ўтказиб келинаётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Хожимурод ОДИЛҚОРИЕВ,  
Юристар малакасини ошириш маркази кафедра мудири,  
профессор

## ҚАЙСИ ИДОРАДА ҚОНУНБУЗИЛИШ КЎП?

ДАВЛАТ хизматлари қаторига йилдан-йилга янги хизмат турлари қўшилиб бораётгани ортқича оворгарчиликларни бартараф этиш билан бирга, аҳолига янада кенг қўлайликлар яратмоқда. Мисол учун, жорий йил давомида хорижий давлатларда умумий ўрта, ўрта ва олий таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни нострификация қилиш, товар белгисини рўйхатдан ўтказиш, ерости сувларига қудуқ ўрнатиш учун бургулаш ишларини амалга ошириш бўйича

руҳсатнома бериш сингари 17 та янги хизмат тури қўшилди. Бундан ташқари, фуқаролик ҳолатлари доллатномаларини ёзиш, туғилиш, никоҳ, никоҳдан ажрალიш ва ўлим ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш бўйича хизматлар экстерриториал тарзда кўрсатилмоқда. Яъни, фуқаро мазкур ҳужжатларни мамлакатимизнинг исталган жойида туриб, исталган бошқа ҳудуддан олиш имкони яратилди.

Амалга оширилган ишларга қарамай, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида баъзи қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги ҳам аниқланган.

### ЖОЙЛАРДА КУЗАТИЛГАН ҚОНУНБУЗИЛИШ ҲОЛАТЛАРИ

— **Ўтган давр мобайнида давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида жами 8 минг 861 та қонунбузилиш ҳолати аниқланган, —** дейди, Давлат хизматлари Агентлиги Андижон вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи Сultonбек Исақов.

Қонунбузилиш ҳолатлари 564 таси ҳокимликлар, 108 таси ички ишлар идоралари, 914 таси қурилиш, 761 таси солиқ, 3 минг 492 таси Ер ресурслари ва давлат қадас-три, 217 таси Давлат санитария эпидемиология назорат марказлари, 30 таси ижтимоий таъминот идоралари, 26 таси таълим муассасалари, 4 таси соғлиқни сақлаш муассасалари, 441 таси “Узтарсга” тизими корхоналари, 1399 таси “Ўзбекэнерго” тизими корхоналари, 224 таси бошқа коммунал хизмат кўрсатувчи идоралар ва 502 таси бошқа идоралар ҳисобига тўғри келади. Ушбу ҳолатлар юзасидан тегишли мутасаддиларга 26 та тақдимнома киритилган. 146 нафар шахсга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилган. 1 нафар ходим эса эғаллаб турган лавозимидан озод этилган.

Умиджон МАМАРАСУЛОВ,  
Давлат хизматлари Агентлиги Андижон  
вилоят бошқармаси етакчи маслаҳатчиси

30 ЁШНИ қоралаган Каттабек Ёрматов (исм шарифлари ўзгартирилган) Асалхон Асқарова билан қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурдилар. Турмуши давомида 5 нафар фарзандли бўлишди. Эр-хотин Жиззах шаҳар "Улуғбек" маҳалласи худудидаги "қўқ" бозорда савдо юмушлари билан тирикчилик қилиб, бинойидек яшаб келарди. Бу орада Асалхон бозорчи аёллардан 1500-2000 АҚШ доллари қарз кўтариб Хитой ва Туркия давлатлариغا бориб келди. Эр-хотин бозорчиларга бу даромад камдек кўриндими, жиноий тил бириктириб моддий манфаатдор бўлиш мақсадида, ўзгаларнинг мулки фирибгарлик йўли билан мўмай даромад орттиришни режа қилишди. Асалхон бозорда ишлаб юрган кезларида кўпгина тилла сотувчи аёллар билан танишлиги боис, улардан насияга тилла буюмларини сотиб бериш шарти билан олишга кўзи етди ва ўзининг тузган режаси асосида "бизнес"ини бошлаб юборди.

# ЖИНОЯТЧИ ЭР-ХОТИН



нали уй гаплашиб қўйганмиз, озоқ пул етмаяпти, моддий томондан ёрдам қилиб туриш, пулларингизни бир неча ойда қайтариб бераман", деб уни ишонтириб, ундан 13.000.000 сўм пул олади. Бу ҳам етмагандек бир оз вақтдан сўнг яна Г.Имомованинг олдида бориб, 7.000.000 сўм пул бериб туриш, аввал олган пулларимиз билан битта қилиб қайтарамиз, деб ишонтирди. "Агар сотиладиган тилла тақинчоқларингиз бўлса, уларни ҳам бериб харидорларим нақд, тиллаларингизни сотиб ўзим ҳам 3-4 сўм фойда кўриб, 5 кунда пулларингизни бераман" деб алдаб, 16.661.000 сўмлик жами 83,3 грамм тилла тақинчоқларини ҳам олишга эришди.

Бели оғримай бировнинг ҳақини аллақачон еб ўрганган Асалхон фирибгар турмуш ўртоғи Каттабек билан яна бир неча кишининг ёстигини қурутади.

Жиноят ишлари бўйича Мирзачўл туман суди раиси Мақсуд Раимов раислигида Жиззах шаҳар судининг биносида бўлиб ўтган очиқ суд мажлисида эр-хотин тилла ишқибозларининг жиноят иши тўпланган ва судда текширилган бошқа далиллар билан ҳам тўлиқ ўз исботини топди.

Суд давомида жабрланувчиларнинг бир қисмига судланувчиларнинг ота-оналари томонидан 240.000.000 сўм пул маблағи тўлиқ қоплаб берилди ва яна бир гуруҳ жабрланувчилар фойдасига солидар тартибда судланувчилардан 100.000.000 сўм атрофидаги зарарни ундириладиган бўлди. Суд Каттабек Ёрматовга 7 йил, А.Асқаровага 5 йил 3 ой озоқликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади.

**Шухрат СУЯРОВ,**  
"Инсон ва қонун" мухбири

Хуллас, турмуш ўртоғи Каттабек билан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлгани ҳолда, текин бойлик орттириш мақсадида, ўтган йилнинг август ойида шаҳардаги "Санзор" маҳалласида яшовчи Асила Лутфуллаеванинг уйига бориб, унинг сотиладиган тилла тақинчоқлари борлигини эшитиб, "турмуш ўртоғим билан келдик тилла тақинчоқларингизни бегона қилманг, ўзим бозор нархидан анча қиммат нархда сотиб бераман, тилла оладиган харидорларим бор, беш кун ичида чиройли нархда сотиб бераман", деб ёлгон ваъдалар бериб, А.Лутфуллаеванинг ишончига кириб, ундан ҳар бир граммни 240.000 сўмдан жами 25.350.000 сўмлик "медаз" ва "кординал" номли аёллар тилла занжирларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритади. Берган ваъдасини "унутган" ишбилармонлар моддий қимматликларни ўз шахсий манфаатлари йўлида ишлата бошлайди. Осонгина мўмай пул топганларидан қувонган эр-хотин ўз кирдикорларидан янада руҳланиб аввалдан таниши бўлган фуқаро Дилдора Ақромованинг хонадонига дадил кириб бордин. Унга "қизимнинг соғлиги яхши эмас, унинг буйрагини доволатишми керак, менга 5.000.000 сўм пул бериб тургин, бир ой ичида пулларингни қайтариб бераман", деб 630 АҚШ долларини олиб-

шу билан қорасини кўрсатмай кетди.

Шундан сўнг шаҳардаги "Маданият" маҳалласида жойлашган пайнет дўконидан ишловчи таниши фуқаро Акмал Бурановдан "сотиладиган тилла тақинчоқларингизни бизга берсангиз, 5-6 кунда сотиб пулингизни берамиз" деб, уни ишонтириб ундан 120 грамм турли хилдаги тилладан ишланган сирга ва узукларни ҳар бир граммни 233.000 сўмдан келишиб, жами 20.970.000 сўмлик тилла тақинчоқларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, шахсий манфаатлари йўлида ишлатиб юбордилар.

Асалхон турмуш ўртоғи билан яна одатдагидек жиноий тил бириктириб, Ш.Рашидов туманида яшовчи фуқаро Н.Мўминовадан алдов йўли билан 30.000.000 сўмни қўлга киритади. Сал кейинроқ Н.Мўминовадан яна умумий баҳоси 10.000.000 сўм бўлган тилла тақинчоқларини олади. Хуллас, Н.Мўминовани жами 62.150.000 сўмга "ухлатади".

Энди Асалхон Жиззах шаҳрининг Бобур маҳалласида яшовчи Г.Имомовани нишонга олди. Асалхон турмуш ўртоғи билан жиноий тил бириктириб, Г.Имомова билан марказий дехқон бозори олдида учрашиб, унга "Гулчехра опа, сизда пул борлигини билганим учун олдингизга келдик, оилам бироз нотинч, алоҳида уй олиб кўчмоқчиман, турмуш ўртоғим билан уч хо-



# ҚАБИЎЛИК...

## Ёзишга ҳам қўлинг бормайди

**ОНА.** Бу сўзни тилга олганимизда кўз ўнгимизда гўдагини хаттоки сокин эсаётган шабададан ҳам химоя қилиб бағрига босиб турган мунис аёл, мактабга кетаётган боласининг оёқ кийимларини кийдириб, қучиб кузатиб қўяётган меҳрибон она, кечаси ухламасдан халтачалар тикиби уни чақилган данагу майизларга тўлдириб аскар ўғлига ёки талаба қизига илинаётган мушфик аёл ёки ишдан кеч қайтган фарзандини мижжа қоқмай кутиб ўтурган дуоғўй она гавдаланади.

Минг афсуски, ана шу буюк сиймолар номига ўзининг қабиҳ ишлари билан доғ тушираётган опа-сингилларимиз ҳам бор.

Хоразмлик Маржона ва Нозима (исмлар ўзгартирилган) шаръий никоҳдан ўтиб оила қуришди. Орадан ойлар ўтиб уларнинг фарзанди Машхурбек дунёга келди. Шундан сўнг улар ўз ризқини қидириб Тошкентга келишди. Нозим қурилишда, Маржона эса кафеда ишлай бошлади. Машхурбекка ижара уй эгаси энагалик қилди. Эр-хотиннинг топгани рўзгорини бутлашга

етиб турарди. Энг муҳими, оила аъзолари жамулжам эди.

Маржона одатдаги иш кунларининг бирида Шаҳло исмли аёл билан танишиб қолади. Улар тезда тил топишиб, бир-бирига яқиндек бўлиб кетишади. Орадан кўп ўтмай Маржона Шаҳлога ўз фарзандини сотиш фикрини айтиб қолади. Шаҳло бунинг сабабини сўрагандек бўлади. Шунда Маржона каттароқ тadbиркорлик билан шуғулланмоқчи эканлигини, шунга пул керак бўлиб турганлигини баён қилади.

Болага харидор ҳам топилди. Уни Шаҳлонинг ўзи сотиб олишини айтиди. Маржона ва Шаҳлонинг ўртасида эндигина бир ёшли қаршилаган Машхурбекнинг савдоси бошланади. Маржона ўғлини 2000 АҚШ доллари баҳолади. Шаҳло эса пастроқ нарх қўяди. Хуллас, ёш гўдакнинг баҳоси 1000 АҚШ доллари келишилади.

Орадан икки-уч кун ўтгач Маржона ўғлини олиб келишлган жойга боради, Шаҳло эса айтилган пулни олиб келади. Машхурбек Шаҳлога, 1000 АҚШ доллари эса Маржонанинг қўлига ўтади. Айни шу вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари уларни қўлга олади...

Суд Маржонага оиласини тиклаш учун имконият берди. У суд залидан қамоқдан озод қилиниб, унга икки йил синов муддати берилди.

Хулоса ёзишга қўлим бормайди. Шу боис, хулосани ҳар кимнинг ўзи чиқарсин!

**Ёрбек ИСКАНДАРОВ,**  
"Инсон ва қонун" мухбири

## ЭЪЛОНЛАР

Наманган вилоят адлия бошқармаси томонидан "International advokates" адвокатлик ҳай'ати адвокати Абдулпўлат Суҳбатилло Халилзоновичга берилган адвокатлик фойлияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг NA 000062 амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми 2020 йилнинг 7 апрель кунига қадр тўхтатилди.

Қашқадарё вилоят адлия бошқармасининг 2020 йил январдаги бўйриғига асосан вафот этганини муносабати билан Қарши шаҳридаги "Насоф мадад-маслаҳатчи" адвокатлар ҳай'ати адвокати Маматов Пулат Сориевичга бошқарма томонидан 2018 йил 28 декабрда берилган KS 000002-реестр рақамли адвокатлик фойлияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ва 2-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тўхтатилди.

Қашқадарё вилоят адлия бошқармасининг 2020 йил январдаги бўйриғига асосан Қарши шаҳридаги "Насоф мадад-маслаҳатчи" адвокатлар ҳай'ати адвокати Умаров Мамаатгайил Аҳмедовичга бошқарма томонидан 2018 йил 28 декабрда берилган KS 000020-реестр рақамли адвокатлик фойлияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ва 20-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тўхтатилди.

Бухоро вилоят адлия бошқармаси томонидан "Адвокатура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ бошқарманинг 2020 йил 10 январдаги бўйриғига асосан "Адвокат Jabborov Siddiq Narzullaevich" адвокатлик боровси адвокати Жабборов Сиддиқ Нарзуллаевичнинг (лицензия 25.12.2018, ВН №000068

адвокатлик гувоҳномаси №068, 25.12.2018 й.) вафоти муносабати билан унинг адвокатлик фойлияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тўхтатилди.

Бухоро вилоят адлия бошқармаси томонидан "Адвокатура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ бошқарманинг 2020 йил 10 январдаги бўйриғига асосан "Бухоро" адвокатлар ҳай'ати адвокати Нуритдинова Олия Наҳимовичнинг (лицензия 25.12.2018, ВН №000011 адвокатлик гувоҳномаси №011, 25.12.2018 й.) вафоти муносабати билан унинг адвокатлик фойлияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тўхтатилди.

Тошкент шаҳар ёр тузиш ва кўчмас мулк кўчма ҳужжатлари бўйича Д.К. томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йилда Чилпонзор тумани, 7-мавзе, 28-йў, 8-кўчадаги кўчма ҳужжатлари (кадастр рақами — № 10.03.03.02.01.5062.0001.008) йўқотганини босқ беқор қилинади.

Яшнобод тумани ТҚСУ инспекцияси томонидан 2015 йил 3 ноябрда 005093-07-сонлик реестр рақами билан давлат рўйхатида олинган "SMART MODERN STYLE" М-ДК (СТИР: 303 483 426) тўхтаб қолган ҳамда жамиятга тегишли бўлган думалоқ муҳри ва бурчак штампи йўқотганини босқ беқор қилинади.

Давлолдор эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 ой мобайнида қабул қилинади.

**ИНСОН ҚОНУН**

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.minjust.uz

ISSN 2020-7937

4370101264008

**Бош муҳаррир**

**Кўчқор НОРҚОБИЛ**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Тошқуллов Акбар Жўрабоевич

Рабиёв Шерзод Миржалипович

Тожиёв Фурқат Шомуродович

Искандаров Ёрбек Нурбекович

Эргашева Дилфуза Рустамовна

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

**Навбатчи**  
Мадрҳия Авазова

**Саҳифачи**  
дизайнер  
Жасур Тожибоев

**Нашр индекси: 137**

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.

**Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, Навойи кўчаси, 30-уй.

**Ушбу сонда ЎЗА суратларидан фойдаланилди.**

Тиражи — 6154

Буюртма — V-4041

Тошпириш вақти — 19:00

Тошпирилди — 21:30

**МАНЗИЛИМИЗ:**

100 115, Тошкент ш. Чилпонзор кўчаси-29.

Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келишилган нархда

1 2 3 4 5



Ҳожи Мурод ИСОҚОВ,  
юридик фанлар номзоди

МЕН ҳозир ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа ҳеч кимни, айниқса, соҳамиз вакилларини бефарқ қолдирмас керак. Билмадим, бошқа сафар бирор нарсани ёзишга қўл урганимда, балки ҳозиргидай ноодатий, ўзимга ҳам галати туюлаётган бундай ёндашув билан иш тутмасман? Бироқ меннинг қалбимга бамисоли "одилона суд қарори қабул қилишнинг эталони" сифатида муҳрланган ҳолат айнан ана шундай ёндашувни тақозо этади. Қолаверса, асосий мақсадим ҳозир ҳикоя қилиб бермоқчи бўлган бир воқеа орқали ўзим бениҳоя улуғлайдиган, азиз инсон, муҳтарам устозим, бугунги кунда табаррук саксон ёшдан ошганда ҳам одил судлов соҳасида дарғалик қилаётган Убайдулла Қўрбонович Мингбоевнинг юксак маънавий қиёфаси, унинг нақадар адолатпеша шахс эканлигини сезинган тасаввурингизда имкон қадар тўлароқ намоён бўлишини хоҳлардим.

Воқеа кўйидагича бўлган эди. Янглишмасам, 1999 йилда (ойи ва кунини эслай олмаيمان) Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг мажлисида кўйи суд инстанцияларининг қарорларини назорат тартибидеда қўриб чиқиш жараёни эди. Мен ҳам ўша вақтда Олий суд судьяси, шунингдек, тўққиз нафар Раёсат аъзосидан бири бўлганим учун ойда камидеда икки мартаба, баъзан эса иш ҳажми ортгани боис ҳар ҳафтада ўтказиладиган мажмура суд инстанцияси мажлисларида иштирок этар эдим. Ўз ҳуқуқий мақомига кўра, Олий суд Раёсати мамлакатимиз суд ҳокимиятининг энг юқори инстанцияси саналмиш Олий суд Пленумидан кейинги суд босқичи ҳисобланарди. Раёсат мажлисларида асосан мураккаб тоифадаги жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича чиқарилган суд ҳужжатларига нисбатан Олий суд ва Бош прокуратура раҳбарияти томонидан киритилган протестлар муҳокама қиларди ва яқини билан тегишли суд қарори қабул қилинар эди. Бу протестларнинг киритилиши асослари эса турлича бўлади. Хусусан, протестларнинг айримлари муайян бир жиноят иши бўйича маҳкум ёҳуд жиноят процессининг бошқа иштирокчилари шикоятларини қўриб чиқиш натижаларига асосан киритилса, бошқалари эса одил судлов амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш мақсадида Олий суд томонидан ўтказиладиган таҳлиллар жараёнида аниқланган суд ҳолатларини бартараф эттиш нуқтани назаридан киритилади. Ўша даврларда бундай таҳлиллар Олий суд раҳбариятининг ташаббуси билан кўпгаб ўтказилар, мамлакатимизда жадал олиб борилаётган янги-ча миллий суд-ҳуқуқ сиёсати ҳам шуни тақозо қиларди. Собик Шўролар мафқурасига асосланган "пахта иши", "ўзбеклар иши", деб ном олган ўша машум каттагон қурбонларига доир неча минглаб жиноят ишларининг Олий суд томонидан назорат тартибидеда қўрилиб, улар юзасидан адолатли равишда оқлов ҳукмлари чиқарилгани мустақил мамлакатимиз суд ҳокимиятининг шонли тарихи сифатида бугунги кунда ифтихор билан айталади. Ёҳуд Олий суд раҳбариятининг ташаббуси билан ўтказилган бош-

# ОДДИЙ, ЛЕКИН ОЛИЙ ҲАҚИҚАТ!

қа кўпгаб суд амалиётини умумлаштиришлар доирасида ҳам қанчадан-қанча дастлабки тергов ва суд ҳатотликлари бартараф этилганлиги, айблов ҳукмлари адолат мезонларига асосан ўзгартирилганлиги, бекор қилинганлиги ва оқлов ҳукмлари чиқарилганлигини қайд этиш лозим. Мисол учун, биргина диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки фаолиятга тақабилган бошқа ташкилотларда иштирок этганлиги учун судланганларга доир жиноят ишлари бўйича ўтказилган суд амалиётини умумлаштириш натижасида мингдан ортиқ шахсга нисбатан чиқарилган айблов ҳукмлари ўзгартирилди ёки бекор қилинди, бу тоифа ишлар юзасидан одил судловлилик принциплари таъминланганлиги натижасида озоқликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган юзлаб инсонлар ўз оилалари бағрига қайтарилди. Уларнинг ақсарияти билиб-билмасдан, диний тушунчалари савёлиги боис адашиб ва алданиб бу ташкилотлар фаолиятига аралашиб қолган, бевосита ўзи бирон бир оғир ёки ўта оғир жиноят содир этмаган, кейинчалик тушуниб этиб ўз қилмишларидан чин кўнглидан пушаймон бўлган, жазони ўташ даврида ижобий таъсирланган, ахлоқдан тузаллиш йўлига ўтган шахслар эди. Бундан ташқари, аччиқ бўлса-да бир ҳақиқатни айтган маъқул. Ўша даврларда мамлакатимизда содир этилган баъзи бир террорчилик жиноятлари оқибатида юзга келган оммавий ваҳима, қўрқинч ва хавотир таъсирида, шунингдек, муайян ҳуқуқ-тартибот ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ҳуқуқий саводхонлиги паст бўлган, таъбир жоиз бўлса, "пашадан фил ясовчи" ҳодимлари босими остида айрим фуқароларга нисбатан адолатсиз ҳукмлар чиқарилганлиги ҳам инкор этиб бўлмайди. Ниҳоятда катта мавзёга эга бўлган бундай идораларнинг, юқори мартабадагилари у ёқда турсин, балки оддий ҳодимларининг ҳам "мушугини пишт дейишга", ҳатто республиканинг мана-ман, деган мансабдор шахсларининг юраги дов бермаган бир вақтда Олий суд раҳбарияти томонидан ўтказилган шунга ўхшаш ўнлаб одил судлов ишларини ўша давр нуқтаи назаридан улкан жасорат бўлган, десак ҳеч ҳам муболага қилмаган бўламиз. Бу ишларда Олий суд раиси У.Мингбоев бевосита ташаббускор ва раҳбар бўлганини бугун биз ифтихор билан эътироф этишимиз лозим.

Хуллас, ўша Раёсат мажлисида қўриб чиқилган кўпгаб жиноят ишларидан биттаси бўйича ўтказилган суд муҳокамаси менга жуда таъсир этган, устозимнинг нақадар чуқур инсоний фалсафа соҳиби эканлигига эва бир бора ишонч ҳосил қилган эдим. Кимлиги аниқ эсимда йўқ, қайсидир ҳамкасбамиз, яъни Олий суд судьяси, ўзига топширилган бир жиноят иши ҳусусида маъруза қилди. Жиноят иши республикамизнинг чекка ва оқило ҳудудидеда умр бўйи чўпонлик қилиб, ўзига ишониб топширилган, яъни ўз боқувидеда бўлган кўп сонли чорва молларининг нобуд бўлганлиги оқибатида давлатга жуда кўп миқдорда зарар етказишда айбдор, деб топилди, узоқ муддатга озоқликдан маҳрум қилинган шахсга доир эди. Гап шундаки, маҳкум бир неча йилдан буён озоқликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган бўлса-да билан мартаба ҳам шикоят билан

мурожаат қилмаган, ҳатто жиноят ишини кўрган туман суди томонидан чиқарилган ҳукмга нисбатан ҳам на кассация ва на назорат тартибидеда шикоят ёзган, гўёки қисмати шу экан-да, дегандек иш тулганга ўхшарди (изоҳ: ўша вақтдаги қонунчиликда ҳали апелляция тартибидедаги судлов ишларини олиб бориш мавжуд эмас эди). Ҳукм устидан протест Олий суд раиси томонидан республика судларида кўриб чиқилган ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишга доир жиноят ишлари юзасидан суд амалиётини умумлаштириш натижасида аниқланган ҳолатларга кўра киритилган бўлиб, унда ҳукмини ўзгартириш ва тайинланган жазони енгиллатиш, аниқроқ қилиб айтганда, маҳкумини озоқликка чиқариш масаласи кўйилган эди. Жиноят ишининг ҳолатлари ҳусусида қилинган маърузадан равшан кўриниб турардики, гарчанд чўпон томонидан чорва молларининг бевосита ўзлаштирилганлигини тасдиқловчи бирон бир далил мавжуд бўлмаса-да, бироқ фақат уларнинг талофатга учраши туфайли катта миқдордаги камомадга кўй қўйилганлиги фактининг мавжудлигидан келиб чиқиб унга нисбатан айблов ҳукми чиқарилган эди. Шунингдек, чўпоннинг ҳатти-ҳаракатларини Жиноят кодексининг 167-моддаси билан, яъни растрата йўли билан талон-торож қилиш сифатида маъқулашнинг ўзи етарли бўлса-да, лекин у бир неча молдан билан айбдор, деб топилди, жиноятлар мажмури тариқасида унга ўн беш йил озоқликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган эди. Ўзининг дастлабки тергов ва суддаги барча кўрсатмаларида чўпон бир хилда баёнотлар қилиб, чўпонлик унга ота мерос касб эканлигини, болаларидан бошлаб колхоз ва давлат хўжалиқларининг чорваларини боқиб рўзгор тебратиб келганлигини, икки ўғли ҳам ўзи билан бирга чўпонлик қилишларини, улар қишин-ёзин ўз қишлоқларидан анча олис чўлдаги отарда яшаб келишларини, неваралари кампирининг парваршида улғаяётганини, киш жуда қаттиқ келиб, ем-ҳашак танқислиги туфайли қаровидаги чорва моллари касалланиб, жуда кўпчилиги нобуд бўлганини, ўзининг қўлидан келадиган барча ишларини қилганлигини, жумладан, қўтилаётган хатарли ҳолат юзасидан хўжалик раҳбарларини бир неча бор оғохлантирилганлигини, улар эса муаммони туман раҳбарларига етказиб улардан тегишли кўрсатма олишлари ҳақида айтиб уни ишонтиришгани учун дастлаб хотиржамликка берилгани, сўнгра эса лоқайдликка йўл қўйилганлигини, шундай бўлса-да ўзидан бошқа ҳеч кимни айбдор, деб ҳисобламаслигини, устига-устак катта ўғли ҳам касаллини вафот этганидан кулфатга ботиб қўй ва қўзиларга лозим даражада эътибор беролмаганидан пушаймонлигини билдирган. Шунингдек, у давлат хўжалигига етказилган зарар жуда кўп миқдордалиги учун бу камомадни ҳечам бартараф этолмаслигини, шунинг учун суд томонидан тайинланган жазога розилигини маълум қилган.

Иш бўйича маъруза тугаган, Раёсат мажлисида раислик этувчи У.Мингбоев суд мажлиси иштирокчиларидан муносабат билдиришларини сўради. Мажлисда қатнашаётган Бош прокурор ўринбосари (исми-шарфини айтишни жоиз топмадим, бироқ тан олиб айтиш кераки, у юксак санвияли

ҳуқуқшунос ва адолатли шахс эди) прокурор ҳулосасини берар экан, протестни қисман қувватлашини, яъни маҳкумининг ҳатти-ҳаракатларини юридик малакашда дастлабки тергов органлари ва суд томонидан йўл қўйилган камчиликлари бартараф этиш, шунинг эвазига жазони енгиллатиш мумкинлигини, бироқ етказилган зарар жуда кўп миқдордалиги ва у қопланмаганлиги учун жазони ўташдан озоқ қилишга қарши эканлигини билдирди. Кейин яна ўз сўзига қўшимча сифатида айтдики: "Маҳкумининг ўзи бирон марта ҳам шикоят ёзмаган бўлса, демаски у ўз айбдорлигини тан олса, судда жазога розиман, деб айтган бўлса, уни озоқликка чиқариш мақсада мувофиқми-кан..?!" Ана шунда устозинг юксак инсоний фазилатларга лиммо-лим қалб бўлиги отилиб кетди бамисли. У қандай асосларга кўра мазкур протестнинг Раёсат мажлиси муҳокамасига киритилганлигини тушунтириб берди. Нутқи судьяларга хос ўта вазминлик билан қилинган бўлса-да, унинг ҳар бир сўзи юракка бориб теғувчи найза янглиг ниҳоятда таъсирли ва пурмаёно эди. Бахтга қарши мен бугун унинг ўшанда айтган гапларини айнан тақрорлай олмаيمان. Шундай бўлса-да, қалбимдан бир умрга жой эгаллаган унинг бу бетакор нутқини мазмун-моҳиятини бузмаган ҳолда сизларга етказишга ҳаракат қиламан. Чунончи, у шундай деган эди:

"Албатта, биз юристлар ҳар бир жиноий-ҳуқуқий ҳодисага баҳо берганда унинг оқибатларини инобатга олишимиз шарт. Бироқ бизнинг фақат шунгагина таяниб иш тутишимиз хато бўлади. Зероки, жиноят содир этган бўлса-да, биз ҳар бир шахсга, энг аввало, инсон сифатида қарашимиз лозим. Айни ҳолда ҳам бизнинг бошқача иш тутишга ҳаққимиз йўқ.

Тан олайлик, қайси биримиз чўпон зотининг заҳмлати ҳаёт тарзидан бохабаримиз, унинг рутубатларига шерикимиз, дея оламиз. Ахир, чўпоннинг кўрган-кечиргани нимадан иборат, унинг ўз бола-чақасидан йирокда, забонсиз ҳайвонлар ташвишида, сувсиз саҳрода, жазирама қуёшда ёки суякка ботувчи совуқда кун бўйи пода кетидан таёқ кўтариб юришининг сургунда юрганликдан нима фарқи бор..?!"

Бизнинг гўёки чўпоннинг пичоги доимо ёғ устида, барра гўштидан жаззали қабоб ёй юради, деб ўйлаймиз. Бироқ қайси биримиз чўпон ўзидан кўра кўпроқ қўйу-эчкисини асраши лозим бўлган изгиринли дўлу-ёмғир остида бир лаҳза бўлса-да туриб бера оламиз?!"

Ҳа, тўғри, зарар мавжуд, зарар бўлганда ҳам жуда кўп миқдорда ва у қопланмаган. Лекин бунинг учун биз ёши қартайган чўпонни шунчалик узоқ муддатга қамаб қўйсак нимага эришамиз, ахир, барибир зарарни ундиролмаймиз-ку, терговда ўтказилган хатловда унинг ҳеч вақоси йўқлиги аниқланган бўлса. Қолаверса, бу зарарнинг келиб чиқишида ким асосий айбдор, бу масала ҳам иш бўйича исботланмаган. Чўпоннинг хўжалик раҳбарларига қўтилаётган табиий офат ва ем-ҳашак танқислиги ҳақида бир неча бор айтганлиги тўғрисидаги кўрсатмаларини инкор этувчи далиллар тўпланмаган. Қўй-қўзиларни сўйиб еб юборган ёки сотганини тергов исботлари беролмаган бўлса, ахир. Аслида, агар тергов

ва судда чуқурроқ текширилиб, зарар ҳақиқатан ҳам чўпон айтганидек бартараф этиб бўлмас ҳавф, яъни табиий офат оқибатида келиб чиққанлиги исботланганда эди, ундай ҳолда жиноят таркибининг ўзи бўлмасди. "Еб юборган", деган тахмин билан айблагша бизнинг мутлақо ҳаққимиз йўқ, бунга қонун йўл қўймайди. Ана шуларни судья сифатида ҳуқуқий жиҳатдан мушоҳада қилиб кўришимиз шарт. Чунки айбсизлик презумпциясига биноан айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим.

Ўзи билан бирга чўпонлик қилган тўнғич фарзандидан жудо бўлибди. Жиноят ишининг унга нисбатан қисми жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган шахсининг ўлганлиги муносабати билан тугатилган. Иккинчи ўғли ҳам чўпон экан. Ота-да у! Боласининг қамалиб кетмаслиги учун "Бу ўғлим ўша даврларда қишлоқда даволашаётган эди, унинг чорвага алоқаси бўлмаган, чўпон сифатида ишга расмийлаштирилмаган ҳам, барига ўзини жавобгарман", деганининг сабабини ҳам бир юракдан ўтказиб кўрайлик.

Судья фақат қонунга асосан иш кўриши шарт, албатта. Лекин бу у шафқатсиз бўлиши керак дегани эмас-ку..! Шундай ҳам деярли сургунда юрганлик шароитида бир умр ишлаган чўпонни ўн беш йилга қамаш ҳақида ҳукм чиқарган судьянинг, суддан судланувчига шундай жазо тайинлашни сўраган прокурорнинг юраги лоақал жиз этганми-кан, ўйлаб қолсан киши..?! Давлат айбловчиси сўраган жазони бераверса, одил судлов бўладими..?! Суд амалиётини шакллантиришда биз судьяларга, ҳатто каттиб "убийца"га ҳам шундай жазо тайинлашда адолат тарозисига минг бора ўлчаб кўринган, дея уқтираётганимиздан ҳабардормикан улар..?!"

Ўзи шикоят ёзмаган, демек айбдор ва жазога рози, деб қарашимиз инсон тақдирига бепарволик эмасми? Саводи борми шикоят ёзгани, нега терговда ҳам судда ҳам адвокат ёрдамидан фойдаланмаган, ҳимоячидан воз кечганига сабаб маблаги бўлмагандандир, бўлар иш бўлди, энди кампирим ва невараларим қийналмасин, дегандир балки..?! Бу ва бошқа кўп саволлар очиб қолган, уларга биз жавоб ахтармасак ким бош қотирарди?! Хуллас, гапирса гап, ўйласак гумон ва шубҳаларимиз кўп. Мен Олий суд раиси сифатида шундай ҳулоса келдим, лекин ҳечам Раёсат аъзоларига руҳий таъсир этмоқчи эмасман, бундай иш тутиш одил судлов принципларига тўғри келмайди. Фақат протестни қувватлаш ёки қувватламаслик бўйича овоз бераётганларда улардан ушбу ишининг барча ҳолатларини тўла ва ҳар томонлама мушоҳада қилиб кўришларини сўрайман.."

Устозинг бу сўзларидан кейин орага сунукат чўқди, суд мажлиси залида ҳозир бўлган барчанинг қалби ларзага келганди, чамамда.

Мен бу улуг зотнинг сиймосида одиллик маъбудини кўраман. Бу фақат мен эмас, балки устозинг барча шогирдлари, у кишини таъинлаган судьялар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳодимлари ва бошқалар тан олган, бугунги кунда эса Президентимизнинг шарофати билан халқимизга андаза сифатида таъриф қилинаётган, исбот талаб этмайдиган оддий, лекин олий ҳақиқатдир..!